

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Султонов Сирожиддин Нормуродович
Иқтисодиёт ва педагогика университети НТМ
ORCID: 0009-0008-3433-6107
Aligart8300@mail.ru

Аннотация. Мақола мазмунида Ўзбекистоннинг бугунги қунда ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш, илм-фан соҳаларида малакали кадрларни тайёрлаш ва уларни жойлаштириш ёшлиарни ҳаётда ўз ўринларни топиш масаласида ечим вазифасини бажаради. Ҳозирда бозор иқтисотиётининг шиддат билан ўсиб бораётганлиги, аҳоли сонинин кескин ошиб бориши ва уларни эҳтиёжларини қондирилишида замон талабига мас юқори малакали кадрларга муҳтож сезилмоқда. Юқорида келтирилган маълумотларга қўра бугунги қунда олий таълим муассасаларини янгича ёндашиш, таълим тизимиға ўзгартирили киритилиши давр талабига айланмоқда. Мақола олий таълим тизимиға ўзгартириш киритиш орқали юқори малакали кадрларга тайёрлашда қаратилган.

Калит сўзлар: юқори малакали кадрларга тайёрлаш, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, илм-фан соҳасида юқори ютуқларга эришиш.

ПУТИ КОРЕННОГО РЕФОРМИРОВАНИЯ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ И УЛУЧШЕНИЯ ПОДГОТОВКИ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ

Султонов Сирожиддин Нормуродович
Экономико-педагогический университет НОУ

Аннотация. По содержанию статьи подготовка и расстановка квалифицированных кадров в сфере производства, услуг и науки Узбекистана сегодня является решением проблемы поиска места молодежи в жизни. В настоящее время быстрый рост рыночной экономики, резкое увеличение численности населения и удовлетворение его потребностей требуют высококвалифицированных кадров. Согласно приведенной выше информации, новый подход к высшим учебным заведениям, модифицированное внедрение системы образования становится требованием времени. В статье акцентируется внимание на подготовке высококвалифицированных кадров посредством внедрения обучения в систему высшего образования.

Ключевые слова: подготовка высококвалифицированных кадров, развитие производственного сектора, достижение высоких достижений в области науки.

WAYS TO FUNDAMENTALLY REFORM HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS AND IMPROVE THE TRAINING OF QUALIFIED SPECIALISTS

Sultonov Sirojiddin Normurodovich
University of Economics and Pedagogy

Annotation. It is aimed at improving the social stratification of the population and their standard of living, reducing inequality. In addition, solving the issues of distribution and redistribution of the population's income will ensure a comfortable standard of living not only for the needy. In a certain sense, the provision of employment in the informal sector is aimed at protecting the social rights of employees. Establishing progressive tax rates on the incomes of individuals in order to reduce the level of income stratification of the population in our country. Entrepreneurship is aimed at creating new jobs and increasing income. According to the information given above, a new approach to higher education institutions, a modified introduction to the education system is becoming a demand of the times. The article focuses on the preparation of highly qualified personnel through the introduction of training into the higher education system.

Key words: training for highly qualified personnel, development of the production sector, achieving high achievements in the field of science.

Кириш.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли ҳамда 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиши бугунги олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миромонович 30 апрель куни жорий ўкув йилини сифатли яқунлаш, битирув ва кириш имтиҳонларини ташкил этиш масалалари муҳокамасига бағишлиланган йиғилишида вазиятга қараб, ўкув юкламаларини ва дастурларни қайта кўриб чиқиши, олий ўкув юртларида амалий кўнікмаларни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш лозимлиги, шунингдек, зерикарли маърузалар ўқиши, конспектлар ёздириш каби ўзини оқламаган усуслардан воз кечиб, таълим методикасини ривожлантириш ва педагоглар савиясини ошириш фоят муҳим масалалиги таъқидланган эди.

Шунга қарамай бугунги кунда Олий таълим соҳасини ислоҳ қилиш масаласида керакли тажрибаларга таянган ҳолда аниқ мақсадли ва манзилли таклифларни ишлаб чиқиши ва уларни олий таълим муассасаларида тажриба тариқасида ўтказиш, бир хилликдан кенг қамроли таълимга ўтиш, таълим йўналишига қараб мутахassislik фанларига кўпроқ соатлар ажратилиши лозим. Фанлар йўналишида кераксиз йўналишга доир бўлмаган фанлардан воз кечиши орқали фанларни камайтириш ва назарий билимлар билан бир қаторда ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатиш соҳаларида

ва кичик тармоқларда олий таълим муассасасини битирган талабаларни мослаштириш зарурият замон талаби бўлиб қолмоқда.

Илмий-амалий жиҳатдан республикамиз олий таълим тизимининг ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилиш асосида уни ислоҳ қилиш йўналишларини белгилаш, халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг рейтингида биринчи 1000 ўриндан жой эгаллаш, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш ҳамда таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш, олий таълим мазмунини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, олий таълим муассасаларининг барча соҳаларида муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечими юзасидан инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларга айлантириш.

Олий таълим муассасаси самарадорлик мезонлари асосида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш, таълим сифатини юқори босқичга кўтариш, ўқитишнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни миллий таълим тизимида татбиқ этиш, таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолани ёзишда статистик: кузатув, свадкалаш ва гурухлаш усуларидан, таркибий таҳлил, кадрлар сиёсати, ишлаб чиқаришдаги соҳасида сўров усули қўлланилган ва олий таълим муассасалари таҳлил қилинган.

Адабиётлар шарҳи.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли ҳамда 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиши бугунги олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш имкониятлари ҳақида сўз юритилган.

Меҳнат муносабатлари бу ходим меҳнат жараёнига жалб қилиниши вақтидан бошлабланади ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқий маъёrlар билан тартибга солишини назарда тутади. Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий маъёrlар унинг меҳнат соҳасидаги ҳолатини белгиловчи муҳим омил бўлиб, айни пайтда давлат миқёсида муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияни бажариди (Абдурахмонов, 2019). “Меҳнат иқтисодиёти” иқтисослигининг асосий масалалари ёритилган, макро ва микро даражада инсон ресурслари фаолиятининг ивтисодий қонуниярлари, шунингдек, меҳнат бозори ва корхоналарда меҳнатни жалб қилиш ва ундан фойдаланишбўйича юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ўрганилган. Ресурслар – бандликнинг турли шаклларини яратади. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш ва мақбул иш ҳақини белгилаш тартиби тавсифланган, иш ҳақи фондини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлашга қўйиладиган талаблар келтирилган. Меҳнат иқтисодиётининг асосий муаммоси унинг самарадорлиги тизими

бўлиб, унда етакчи рол меҳнат унумдорлигига тегишли бўлиб, миллий бойликнинг ўсишига ёрдам беради, Жамиятнинг барча аъзоларининг фаровонлик даражасини ошириради ва ижтимоий стандартлар ва кафолатларни таъминлайди. (Алиев, 2016). Меҳнат жараёнининг асосий характеристикалари қуидагилардан иборат: натижаларни фойдалилиги, ишчиларнинг вақт ва энергиясини сарфлаш, уларнинг даромадлари ва бажарилган функциялар мазмунидан қониқиш даражасидир (Генкин, 2007). "Ходимларни бошқариш иқтисодиёти" фанининг асослари ўрганилган: назарий ва услубий масалалар, жумладан, самарали ходимларни бошқариш тизимини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми; меҳнат салоҳияти, интеллектуал ва инсон капитали иқтисодий баҳолаш; меъёрий-хуқуқий базани ишлаб чиқиш ва асосли ташкилий-иқтисодий меъёрлар аслсида меҳнат кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш; кадрлар харажатларини, меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш, режалаштириш ва бошқариш.

Бакалавтлар, магистрлар, қўшимча касбий таълим талабалари, шу шумладан МБА йўналишлари талабалари, аспирантлар, докторантлар, иқтисодиётнинг реал сектори ташкилотлари ҳамда давлат ва миниципал ҳокимият органларининг кадрлар бошқаруви бўйича мутахассислари учун керакли кўрсатмалар берилган (Кибанов, Ивановская, Митрофанова, Эсаулова, 2012). Университетнинг "Электрон бизнес ва электрон тижоратни бошқариш" курси илмий билимларнинг энг ёш ва амалиётга йўналтирилган йўналишлардан бирига бағишланган. Ўқув қўлланма рақамли иқтисодиётнинг моҳиятини очиб беради, рақамли технологиялар эволюцияси таъсирида бизнес моделларини ўзгартириш нуқтаи назардан электрон бизнес ва электрон тижоратни бошқариш бўйича назарий тамойиллар ва амалий тавсиялар беради. Инновация технологиялар ва уларнинг истехмолчилар хулқ-авторига таъсири, янги бозорларнинг шаклланиши ва компаниялар характеристидаги ўзгаришлар, рақамли иқтисодиётнинг глобал тенденциялари ва электрон бизнес юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда рақобат характеристига аҳолида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги авлод олий олий таълимнинг Федерал давлат таълим стандарти талабларига жавоб беради. Олий таълим муассасаларининг "Иқтисодиёт" ва "Менежмент" йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун тушунчалар берилган (Лапидус, 2018).

Меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ўрганиш иқтисодчи олимларнинг доимий диққат марказларида бўлган, жумладан, МДҲ давлатлари олимларидан Л.С.Ржаницынанинг фикрича «Аёл-она, ишчи, ходим ва уй бекаси, бу икки тарафлама оғирликни бирга қўшиб олиб бориш учун аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим бу жараённи гендер тенглиги даражасида ўрганиб, нафақат ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан бандлик балки, уларнинг оиласи муррабалар, болалар тарбияси билан машғуллигини енгиллатиш керак» (Мамадалиева, 2016).

Глобаллашаётган дунёда аҳоли миграцияси билан боғлиқ кенг қўламли муаммоларга бағишланган. Миграциянинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларда, жумладан, демографик тузилмаларга, аҳоли сонига, этник жараёнларга, меҳнат бозорига, ҳудудий ривожланишига, ижтимоий сиёсатга таъсирини ўзгартиришнинг назарий жиҳатлари ҳар томонлама кўриб чиқилади. Меҳнат миграцияси муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миграция жараёнларини прогнозлаш, мигратция сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва мигрантларнинг қабул қилувчи жамиятга ижтимоий интеграциялашуви масалалари ёритилган. (Воробьев, Топилин, 2012).

Энг янги авлод давлат таълим стандартига мувофиқ, меҳнат иқтисодиётининг назарий асослари ҳар томонлама ёритиб берилган, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозори фаолиятини тавсифловчи асосий категория ва атамалар таҳлил қилинган. Ушбу дарслиқдан фойдаланиш курс имтиҳонига тайёрланишини

осонлаштиради ва имтиҳондан юқори баҳо олишингизни кафолатлайди. Кенг иллюстратив материаллар (графиклар, диаграммалар, жадваллар) мавжуд. Бакалавр, аспирантлар, иқтисод олий ўқув юртлари ва кафедралари ўқитувчилари, меҳнат бозорида хулқ-атворни моделлаштиришнинг турли жиҳатлари билан шуғулланувчи иқтисодчилар, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги мутахассислар ва жамиятнинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш муаммолари билан қизиққан ҳар бир киши учун тавсия этилган (Михалькина, Белокрылова, Фурса, 2017).

Назарий ва амалий шахсий хусусиятларни батафсил сифат ва миқдорий баҳолашни тобора кўпроқ ўз ичига олади: билим, малака, кўникмалар, тўпланган ишлаб чиқариш тажрибаси, қобилят, фаоллик, маъсулият ва бошқалар. Уларнинг амалий аҳамияти ортиб бормоқда ҳалолик, колективизм ва миқдор қобтлияtlари, виждон, раҳм-шавқат, бағрикенглик ва бошқалар каби инсонпарварлик фазилатлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритилган (Одегов, Руденко, 2016).

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

2017-2021 йилларда Ўзбекистан Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш, янги замонавий корхоналар ташкил этиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали аҳолининг иш билан бандлигини ва муносиб даромад топишларини таъминлаш вазифалари белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Миромонович томонидан 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак” деб алоҳида таъкидланган этилар. Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони 2024 йил 22 апрел ҳолатига **37,0 млн** кишини ташкил этди.

Таҳлил натижаларига кўра 2030 йилга бори аҳоли сони **44 млнга** етади. Мамлакат аҳолиси 2024 йил бошида **36,8 млн** кишини ташкил этган. Ҳар бир ойда ўртача **54,5 минг** кишига ошган. Ҳар бир қунида эса ўртача **1,8 минг** кишига кўпаймоқда.

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ёш гуруҳлари бўйича таркиби:

- меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар – **11,4 млн. киши (31,7 %)**
- меҳнатга лаёқатли ёшдагилар – **20,5 млн. киши (56,8 %)**
- меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар – **4,1 млн. киши (11,5 %)** хиссасига тўғри келади.

2024 йил 1 январь ҳолатига меҳнат ресурслари сони **19 миллион 724 минг 900 кишини** ташкил этиб, 2023 йилнинг шу даврига нисбатан **207 минг 400 кишига (1,1 фоизга)** ошган.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолини ҳамда олий таълим муассасаларини тамомлаган ёшларни муносиб доимий иш билан таъминлаш жуда муҳим ва ўтқир ижтимоий масала эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Юкорида кайд қилинган статистика маълумотлари Республикамиз минтақалари кесимида чуқур таҳлил қилиш асосида аҳоли илмга бўлган талабидан келиб чиқиб, худудий ва тармоқларда кадрлар масаласини олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш ҳамда олий таълим битиравчи ёшларнинг иш жойлари квотасини белгилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора- тадбирларни амалга ошириш:

- вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда Олий таълим муассасалари билан биргаликда битиравчиларини улар эгаллаган мутахассисликларга

мувофик ишга жойлаштиришни таъминлаш ва уларга доир ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

-ишга жойлашган олий маълумотга эга бўлган иктисодиётда хамда меҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиккан холда, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш;

-ишга жойлаштириш жараёнига илғор ахборот технологияларини фаол жорий этиш, жумладан, Миллий вакансиялар базасини яратиш ва доимий ривожлантириб бориш;

-ишга жойлашишга қўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш бозорида замонавий инфратузилма ва рақобат муҳити яратиш, аҳоли ва ёшларни бандлигини таъминлаш масалаларида давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлари, фуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашнинг самарали механизмларини шакллантириш;

- бандлик ва меҳнат муҳофазаси соҳасида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш, меҳнат шароитлари экспертизасини амалга ошириш, меҳнат муносабатларини, меҳнатни моддий рағбатлантириш механизмларини олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда янада такомиллаштириш бўйича аниқ чоратадбирларни амалга ошириш;

- Олий маълумотли ва иш берувчилар ўртасида меҳнат ҳуқуқлари ва муҳофазаси масалалари бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновация вазирлиги ва унинг тасарруфидаги олий таълим муассасалари меҳнат иқтисодиётига юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва давлат миқёсида, ижтимоий-меҳнат муносабатларига асосий назарий-методологик ва амалий чораларни ишлаб чиқилиши зарурияти сезиларли даражада ўз аксини топмоқда.

Статистика агентлигига маълумотларига кўра, 2022/23-ўқув йили бошига республикамизда фаолият юритаётган 191 та олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони бир миллиондан ошган.

Шундан:

- талаба юғитлар – 544,8 минг нафар
- талаба қизлар – 495,6 минг нафар

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига, ЮНЕСКОнинг статистика институти маълумотларига кўра, хорижий таҳсил олаётган Ўзбекистонлик талабалар сони 808,4 минг нафарни ташкил этган.

Бежизга юқорида келтирилган меҳнат муносабатлари, янги иш ўринлари ҳақида гапириб ўтилмади. Ҳозирги замон талаби ишлаб чиқариш ва давлат ташкилотларига керакли малакага эга бўлган мутахассисларни етиштиришда олий талим муассасаларини интегратциялаш яъни уйғунлаштиришdir. Бизга маълумки таълида ижтимоий фанлар, гуманитар фанлар ва табиий фанлар йўналишида таълим берилади.

Мақола мазмуни шундан иборатки, мазкур фанларни ўтилишида бир-бирига алоқаси бўлмаган дарслкларни аралаштирмаслик, семестр фанларни қисқартириш, йўналишган доир фанларга урғу бериш замон талабига айланмақда. Сўровлар ўtkazilganда талабалар томонидан билдирилган фикрларга кўра ўтиладиган фанлар аксарияти бизнинг йўналишимизга таълуқли эмас ва аксарият ҳолларда семестрда кўп фанлар бўлганлиги эвазига дарслкларни ўз вақтида бажара олмасликлари ҳақида ва мутахассислик фанларига қўпроқ соатлар ажратилиши тўғрисида фикр билдиришган.

Мисол тариқасида тарих, фалсафа, журналистика, ўзбек филологияси йўналишида олий математика, физика, биология, кимё фанларини ўрнига мутахассислик фанларни соатлари қўпайтириши ёки шуни акси сифатида аниқ фанларга доир фикрлар билтирилган.

Бизга маълумки, олийгоҳда 8 семестр яъни 4 йил давомида бакалавр даражасидаги диплом берилади (1-расм). Мазкур таълим жараёнини янги замонавий таълимга ўзгартириш масаласи бўйича муҳокама қиласиган бўлсак, 1 семестр яъни 6 ой назарий билимларни, 2 семестр ишлаб чиқариш ёки давлат ташкилотларга талабаларни амалиёт ўташ учун танланган йўналишлари бўйича юбориш. Назарий билим олган талабалар амалиётда назарий билимларини янада бойитилишига эришилади. 4 йил давомида олинадиган билимларни 2 йили назарий олийгоҳда ва 2 йили ишлаб чиқариша ва давлат ташкилотларида ўтказилади. Шу тариқа босқич талабалари жой алмашиб ҳам назарий ҳам амалий билимларни чуққурроқ эгаллашга олиб келади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бугунда давлат тест маркази тугатилиши, ўқиши кўчириш бўйича масалаларга нуқта қўйилишига, биз олийгоҳга кириш имтиҳоларига эмас балки битириув малакавий ишига кўпроқ этибор бўришили мақсадга мувофиқдир.

Бугунки кунда олийгоҳлараро ўқиши кўчириш бўйича жуда кўплар мурожаатлар муҳокаларга сабаб бўлмоқда. Давлат томонидан берилган имтиёзлардан имтиҳон топширган абитуриетлар таълим йўлалишида бир қанда олийгоҳларни танлайди ва ўқишига қабул қилинади тўплаган баллари ҳисобига. Аксарият ҳолларда талабалар биринчи курсни тугатиб ўқиши кўчиришга ва бошқа таълим йўналишига ўтишига ҳаракатлар қилишади. Бу эса ўз натижасини бермагандан кейин мажбуран ўзи ҳохламаган йўналишини тамомлашга мажбур бўлади ва келажакда бу соҳада фаолияти юришлари атиги 12 % ташкил қиласиди.



Мазкур структурада биз 3000 нафарга бўлжалланган бинода 6000 нафар талабални сиғдира олади, сабаби 2 ва 4 курслар б ойлик ишлаб чиқариш ва давлат ташкилотларида амалиётда бўладилар.

Контракт тўловлари бўйича мисол тариқасида **8 млн** сўм ташкил этган бўлса, эндиликда ишлаб чивариш ва давлат ташкилотларида амалиёт ўтаётгандилари учун **4 млн** сўмга тушрилади. Сабаби талабалар олийгоҳда 2 йил таълим оладилар.

1-расм. Олий таълим муассасаси

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида келтирилган статистика усуллари, таҳлиллар, сўровномалар натижасида келажакда биз нимага эришамиш:

-юқори малакали мутахассислика эга кадрларга барча соҳада;

-бўш иш ўринларни малакали мутахассисликка эга бўлган кадрлар билан тўлдириш;

- касбга бўлган рақабатни ривожланишига;
- келажақда мазкур юқори малакага эга мутахассислар янги иш ўринларни яратишларига замин яратамиз;
- ишлаб чиқариш ва давлат ташкилотларини олий таълим муассасалари билан интеграциялаш яъни уйғулашишига;
- қайси соҳа йўналишларида кўпроқ эътибор қаратилишига;
- контаркт тўловларини камайишига олиб келишига;
- олий таълим муассасалари ўртасида кучли рақобатни шаклланишига эришилади.

Ўзбекистоннинг барча ёшларини билим олишига айниқса хотин-қизларни олий маълумотли бўлиши ва келажак авлодни тарбиялашда муҳим замин яратилади.

Олийгоҳларда кириш имтиҳонларини яъни Давлат тест марказини томонидан тузилаётган тестлардан воз кечилиб, очиқ ҳолатда тўғридан-тўғри олийгоҳ маъмурияти билан келишилган шартнома тўловлари асосида имтиҳонсиз қабул қилинади. Бу эса ўз навбатида ёшларни ўзи танлаган касбларида таълим олишларини, олийгоҳлараро ўқиши кўчириш масаласига нуқта қўйишига олиб келади.

Олийгоҳни томомлашда битурув малака ишларида яъни диплом ҳимоясига кўпроқ эътибор қаратилиши имтиҳондан ўтолмаган талабаларни 1 йиллик сертификат берилиб, кейинги йилда қайта диплом ҳимоя қилишларини таъминлансанда мақсадга мувофиқдир.

Олигоҳда 2 йиллик назарий ва 2 йиллик амалиётда бўлганлиги сабабли, 2 йиллик амалиёт эвазига контрак тўловлари тенг ярмига қисқаради бу эса кам таъминланган оиласларни фарзандлари ўқишига замин яратилади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Абдурахмонов К.Х. (2019) *Меҳнат иқтисодиёти. Назария ва амалиёт.* Дарслик - Т.: "Фан", - 590 б.

Алиев И.М. (2016) Экономика труда: Учебник для бакалавриата и магистратуры / И.М. Алиев, Н.А. Горелов, Л.О. Ильина. - Люберцы: Юрайт, - 478 с.

Воробьев О.Д., Топилин А.В. (2012) Миграция населения: теория, политика: Учебное пособие / Под ред. - М.: Экономическое образование.

Генкин Б.М. (2013) Экономика и социология труда: Учебник для вузов / Б.М. Генкин. - М.: Норма, - 464 с.

Кибанов А.Я., Ивановская Л.В., Митрофанова Е.А., Эсаурова И.А. (2012) Социально-трудовые отношения, рынок труда и занятость персонала. - М.: Проспект. - 621 с.

Қарор (2018). 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2752-сонли қарори

Қарор (2019). 11 июлдаги "Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли қарори

Қарор (2019). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги "Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаширишга ўтказиш тўғрисида"ги 967-сонли қарори

Лапидус Л.В. (2018) Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией: учебник. -М.: ИНФРА-М.-4 7 9 с.

Мамадалиева Д. (2016) Аёллар иқтисодий фаоллигини ошириш йўллари: услугий қўлланма. - Т.: "РОИАМ". - 20 б.

Мирзиёев Ш.М. (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // ЎзА, 25 январь

Михалькина Е.В., Белокрылова О.С., Фурса Е.В. (2017) Экономика труда: учебник. - М.: РИОР: ИНФРА-М. - 273 с.

Одегов Ю.Г. (2016) Экономика труда: Учебник и практикум для академического бакалавриата / Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко. - Люберцы: Юрайт. - 423 с.

Фармойиш (2019). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиши

Фармон (2019). Шавкат Мирзиёевнинг 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривоҷлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847- сонли фармони